

РУҲЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МИФОЛОГИК ТАСАВВУРЛАР

Жулдыз УЗАҚБАЕВА

Тадқиқотчи, НавДПИ

Фанда биринчи марта ўзга дунё билан боғлиқ тасаввурлар В.П.Налимов¹ томонидан эълон қилинган илмий мақолаларда коми халқининг мифологик қарашлари системали анализ қилинган эди. Ўлимдан кейинги ҳаёт, рухлар ва инсон жонининг мавҳумий ҳаёти борасидаги қарашларни ифода этган бу мақола этнографлар орасида катта шов-шувга сабаб бўлган эди. В.П.Налимов тириклар ва ўликлар олами ўртасидаги аниқ дифференция йўқлигига диққатни қаратади. Марҳумлар олами ва марҳумларнинг ўлимдан кейинги ҳаёти айна шу маконда айна шу эпик замонда тириклар билан ёнма-ён кечади, фақат уларни кўз билан кўриб бўлмайди. Инсон жисмоний ўлимидан кейин тўғри марҳумлар оламига ўтади. Ислом таълимотида нариги дунё-чин- ҳақиқий дунё саналади. Нариги дунё ҳам тириклар олами билан параллел равишда бўлиб унда марҳумларнинг руҳлари фаолият кўрсатади. Тириклар ва ўликлар оламининг фарқи шундаки, тириклар оламининг ниҳояси, охири мавжуд. Ислом эътиқодида қиёмат куни охират саналади. Марҳумлар оламининг фаолият кўрсатишда охири йўқ. Тадқиқотчи В.П. Налимов марҳумлар оламини бошқа сайёрада жойлашган деб талқин қилади. Чунки, киши вафот этгач, маълум муддат қариндошлари яқинлари марҳумни ёд этади. Марҳумни эсдан чиқарганларидан унинг руҳи кўк оламига ўтиб кетади деган тасаввур коми халқида мавжуд. Ўзбекларда ҳам киши вафот этгач, унинг жони чин дунёга ўтади деган халқ қарашлари бор.

Ўлимдан кейинги ҳаёт ёки ўзга олам борасидаги тасаввурларни ўрганишга бағишланган мақола 1910 йилда П.А.Сорокин томонидан эълон қилинди.² Мақолада коми халқининг ўлимдан кейин жоннинг иккига бўлиниши, уларни яхшилик ва ёмонлик оламларига тарқалиши борасидаги халқ қарашлари келтирилган эди.

Ўзга олам борасидаги тасаввурларни таҳлил қилган тадқиқотлар гарчи камчиликини ташкил этса-да, биз уларга батафсил тўхталмоқчи эмасмиз. Фақатгина В. Я. Петрухиннинг қабрдаги ҳаёт, ўзга олам назарияси, марҳумлар олами борасидаги мулоҳазалари бироз баҳс талабдир. Инсоният ёки унинг руҳи фаолият кўрсатиши мумкин деб қараладиган оламлар дунё

¹ Налимов В.П. Некоторые черты из языческого мирозерцания зырян // Этнографическое обозрение. 1903. – N 2.

² Сорокин П.А. Пережитки анимизма у эзян // Известия Архангельского о-ва изучения Русского Севера. - Архангельск, 1910. - N20-22. -С.62.

халқлари мифологиясида турлича деб қаралади. Ўзбек мифологиясида **замин усти олами, ер ости олами, сув ости олами ва кўк само олами** каби асосий тўрт макондан ташкил топган ўзга оламлар мавжуд деб қаралади. В.Я.Петрухин ўзга оламларни қуйидагича таснифлайди:

- ўликлар олами;
- нариги дунё;
- ўзга олам.

Олимнинг фикрича, инсон жони йўналтирилаган ва макон тутадиган мавҳум оламлар мавжуд. Бироқ ўликлар олами билан нариги дунё ўртасидаги мулоҳазаларида тадқиқотчининг ўзи ҳам чалкашиб кетган кўринади. У бир ўринда нариги дунёнинг таркибий қисмига жаннат (рай) ва дўзах (ад)ни киритса, бошқа ўринда ўликлар оламига ҳам айна шу тасаввурлар тасирида талқин беради.

Ўзбек фольклорида парилар билан боғлиқ мифологик тасаввурларни ўрганган фольклоршунос О. Қаюмовнинг ёзишича, тириклар, яъни тирик инсонлар олами замин-ер устидан ташқари сув ости, ер ости ва кўк оламлари фақат руҳлар олами деб қаралиши мақсадга мувофиқ.³

Биз ўзбек маросимлари, мифологик тасаввурлари, фольклор асарлари ва адабий манбаларда ўзга олам талқинининг берилиши ва улар асосида ўзга дунёнинг ўзига хос фарқли томонларини ажратиш заруратини олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Ўзга олам борасидаги тадқиқотлар ўзга оламни системали ўрганишга бағишланса-да, ғайб оламининг рамзий эканлиги, улар билан боғлиқ қарашларда бадиий ифодаланган образлар тизимини таҳлил қилиш бу борадаги мунозараларга аниқлик киритади деб ўйлаймиз.

Кишилар орасида руҳнинг танни тарк этиши, яъни ўлимнинг юз бериши, тан руҳ билангина тириклиги, инсон руҳи тириклик манбаи, ҳаракат манбаи сифатида талқин этилиши кишининг ўлимидан сўнг жони танасини тарк этиши билан боғлиқ тасаввурларни келтириб чиқарган. Халқ қарашларида одам вафотидан кейин унинг руҳи турли кўринишда танасини тарк этаркан. Карманалик Нормурод Ражабовдан фольклоршунос О.Қаюмов томонидан ёзиб олинган демонологик ҳикояда айтилишича, бир куни айтувчининг отаси аҳволи оғирлашиб фарзандларини чорлайди. Чол фарзандларига васиятини қилиб, бир оз тин олади-ю жони узилади. Шу пайт чолнинг танасини бир катта қизил чумоли айланиб, кўздан ғойиб бўлади. Чолнинг маракаларини ўтказаётганларида ҳалиги чумоли пайдо бўлиб, чол жон берган хонани айланиб юради ва маълум муддат ўтгач, яна кўздан ғойиб бўлади.

³ Қаюмов О. Ўзбек фольклорида пари образи. НДА Тошкент, 1999. Б.8.

Қишлоқ мулласининг айтишича, ўша чумоли чолнинг руҳи бўлиб, чол бу дунёни тарк этар чоғида унинг жони чумоли қиёфасига кирган ва танасини тарк этган экан.

Ўлим юз бериш пайтида жон турли кўринишда танни тарк этиши билан боғлиқ қарашлар коми халқлари мифологиясида ҳам қайд этилган. Хусусан, коми халқининг ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақидаги мифологик тасаввурларини ўрганган П. Лимеровнинг қайд этишича, “марҳумлар ҳақида гапириш уларнинг руҳларини ҳаракатланишига–жоннинг ўзгача кўринишдаги иккинчи ҳаётининг давом этишига сабаб бўлади”⁴. Барча халқларда марҳумнинг танасини жон тарк этиши ва руҳнинг эркин фаолият кўрсатиши, арвоҳларнинг тириклар кўз ўнгида гоҳ-гоҳ намоён бўлиши билан боғлиқ оғзаки ҳикоялар кўп учрайди. Бундай оғзаки ҳикояларда жон ва марҳум образлари бир-бири билан синонимик моҳият касб этгандай аммо бу образлар ўз поэтик вазифалари билан бири-биридан тубдан фарқланади. Марҳум образида унинг тириклик пайтларидаги аломатлари мужассамлашиб, унинг ҳаракатлари ҳаётий уйдирма асосига қурилади. Арвоҳ образи марҳумнинг исми билан аталса-да унинг ҳаракатлари ҳаёлий уйдирма-фантастик воқеилик асосига қурилади. Марҳум тарихий ва конкрет шахс бўлса, арвоҳ марҳумнинг ташқи қиёфаси, номи билангина талқин қилинадиган кўзга кўринмас мавжудотдир.

Ўзбек халқ мифологик тасаввурлари орасида **руҳ**, **жон** ва **арвоҳ** каби руҳнинг семантик типлари мавжуд. Ҳар бир одамнинг бирламчи ва иккиламчи руҳи бўлади, деб тасаввур қилинади. Бирламчи руҳ бу жон. Инсоннинг ҳаётлиги тириклигини ифолаловчи руҳ бўлса, иккиламчи руҳ онгимизнинг тасаввурлар ва маълумотлар билан таъминлашга хизмат қиларкан. Инсоннинг бирламчи руҳи ўлим юз берган пайтда танани тарк этиб, боқий дунёга равона бўлади. Қариндошлари яқинлари марҳумни эслаганларида унинг бирламчи руҳи келади деб талқин қилинади.⁵ Жоннинг танани тарк этиши билан унинг номи ўзгаради. Жоннинг қайтиши, келиб яқинлар кўзига кўриниши бадий воқеликда уни арвоҳ номи билан юритилишини таъминлайди. Марҳумнинг ўлим олдида қилган ҳаракатлари ва аҳволи “жон талвасаси”, “жон калон” “Жони узилиши” каби иборалар воситасида ифодаланади.

Оғзаки демонологик ҳикоялар поэтикаси шуни кўрсатадики, жон қаҳрамоннинг фожеий қисмати тасвири, унинг замин оламидаги мавжудлиги интиҳосидан сўнг руҳга айланади. Руҳ ва арвоҳ атамалари синоним сифатида баҳолангани маъқул. Руҳнинг арвоҳдан деярли фарқи йўқ. Баъзи оғзаки

⁴ Лимеров П.Ф. Мифология души//Мифология загробного мира. Сыктывкар, 1996.С. 6

⁵ Бу ҳақда қаранг! 1100 исцеляющих заговоров и молитв. Харвест, Минск, 2007. С.191,

айтимларда рух тириклар оламида фаолият кўрсата олмаса, баъзи бир матнларда рух чирқиллайди, тирикларнинг тушларига киради. Уларни муайян хавфдан огоҳлантиради. Арвоҳ одатда фожеали, даҳшатли ўлим юз берган кишининг руҳини англатади. Арвоҳлар халқ қарашларида тириклар олаmidан норози бўлиб кетган кишининг нотинч руҳи сифатида талқин этилади. Жанубий удмуртларда ҳам одам вафот этгач, унинг жони танини тарк этади аммо, марҳумнинг жони яқинлари орасида параллел равишда яшайди. Фақатгина нотинч руҳларгина тириклар кўз ўнгида намоён бўлади деган тасаввурлар мавжуд⁶.

Ўзбек фольклорида аниматик мифология изларини тадқиқ этган олим Ғ.Акрамовнинг ёзишича, аجدодларимизнинг жон ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари аста-секинлик билан руҳлар, парилар ва аجدодлар культини ифодаловчи мифологик мотивларнинг фольклор асарлари бадииятидан ўрин олишига сабаб бўлган⁷.

Фольклоршунос О. Қаюмов томонидан 2002 йилда навоийлик А. Абдумуродовдан ёзиб олинган оғзаки ҳикояда қизиқ маълумотлар учрайди. Ҳикояда айтилишича, бир йигит кўп каптарларни тутиб келади ва уйи ортидаги ариқ бўйида каптарларни сўйиб терисидан тозалайди. Каптар гўштидан маза қилиб болалари билан таом пишириб ейдилар. Орадан уч кун ўтгач, ҳалиги йигит тоғли йўлда ўзининг юк машинаси билан автоҳалокатга учрайди. Йигит вафотидан кейин унинг отаси бир куни тушида ўша уйининг ёнидаги ариқдан тўлиб қон оқаётгани, марҳум ўғлини бир тождор каптар бошчилигида каптарлар талаб ташлаётганини, ўғли қийналиб ётганини кўради. Чол бу ҳикояни қишлоғидаги таъбирчига айтганда, таъбирчи марҳум ўғлингиз парилар шоҳи бўлган каптарни ҳам оддий каптарлар қатори сўйиб еган. Пари каптар сўйилгач, унинг руҳи танани тарк этган ва эртаси куни ўз қотилидан ўч олган, деган тахминни айтиб, момолар ва арвоҳлар ҳаққига чироқ ёқишни буюрибди. Жоннинг заминдаги барча мавжудотлар(одам, ҳайвонот ва нобатот)да бирдек мавжуд деган мифологик қарашларнинг излари ҳикоя сюжетида диффузиялашган.

Халқ қарашларида ҳар қандай табиий мавжудотлар қиёфасида инсон руҳи мужассам бўларкан худди шундай мулоҳазалар ибтидоий одамларнинг анимистик тасаввурларини тадқиқ этган Л.Я.Штернберг томонидан олға сурилган эди. Л.Я.Штернберг “табиий объектлар “нафақат тирик, жонли мавжудот, балки ўлимни инкор этадиган қалб, онг ва эркинлик соҳиби

⁶ Лимеров П.Ф. Мифология загробного мира. Сыктывкар, 1996.С. 33.

⁷ Акрамов Ғ. Аниматик мифология // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978 № 2. Б 43.

бўлган тўлақонли иқтидорли шахс”⁸,-деб таъриф беради. Бу ерда олим руҳнинг тириклардан кўра чаққонроқ ҳаракат қилиши билан боғлиқ воқеалар таҳлилига таянади.

Ибтидоий одамларнинг монизмида барча мавжудотлар инсоний қиёфа касб этади. Элшунослар инсон жонини турли туман шакл-шамойилда намоён бўлишини инсоннинг табиати билан боғлиқ ҳодиса деб изоҳлайдилар.⁹ Инсон руҳининг мангу барҳаётлиги оламдан ўтган кишиларнинг руҳлари янги дунёга келадиган чақалоқларга ўтади деган тасаввурлар майдонга келган.¹⁰ Ўзбек ва қорақалпоқларда чақалоқларнинг ота- боболари ёки аждодларидан бирига ўхшаб кетиши унинг танида марҳум бобосининг руҳи яшаётганилиги ҳақидаги эътиқодлар ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам ўзбеклар чақалоқ дунёга келганда уни тупроқлайди, тузли сув билан ювинтиради. Бешикка боғлаётганда “Эгаси келди, бабаси кет”, “Орқаси пахта, бешиги тахта” деган айтимларни ижро қилиб, чақалоқнинг болиши остига пиёз, пичоқ, нон қўйиб кейин ухлатадилар. Халқ қарашларига кўра, пиёз ва пичоқ чақалоқни ёвуз руҳлар хуружидан асрашга хизмат қилади. Арвоҳларнинг пиёздан қочиши билан боғлиқ тасаввурлар худди нон ва пичоқ предметларининг магия моҳият касб этишини ифодалаганидек қадимги аждодларимизнинг анимистик тасаввурлари натижасида майдонга келган ҳодиса бўлиши мумкин. Бешикка боғлаш айтимидаги “бабаси” айна ёвуз руҳларнинг рамзий номи. Маълумки, таъбулаштириш анъанаси бир нарсани номини айтмасдан бошқа ном билан аташни тақозо этади. Қадимги оналар ҳам ёвуз руҳларнинг номини айтсак келиб чақалоққа даҳл қилади деб ўйлаганликлари учун ҳам уни баба- ит деб атаганлар. Конимехлик қорақалпоқ ва қозоқлар, хатирчилик ўзбекларда чақалоқнинг сочларига гардлар ёпишиб, инжиқлик қилаверса, болага ит тегибди дейишадилар ва чақалоқни кушночга олиб бориб, алас қилишадилар.

Арвоҳ ҳақидаги халқ қарашларида арвоҳлар ҳам худди парилар сингари оппоқ либосда тасаввур қилинади. Бироқ уларнинг қиёфалари ва ўзларини тутишларида муайян фарқлар мавжуд. Масалан, руҳлар ҳам оппоқ либос кийган бўладилар, бу биринчиси, иккинчиси руҳлар кишиларнинг кўзларига кўринсалар-да, уларнинг етакчи белгиси гўзаллик саналади. Яъни руҳлар пок ва бетакрор гўзаллик эгалари. Учинчи фарқи руҳлар асосан аёл киши қиёфасида намоён бўлади. Фақат Хизр ва баъзи авлиёларнинг руҳлари нуроний, оппоқ кийинган чол бўлиб кўриниш берадилар. Зарафшон воҳаси

⁸ Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнографии. Материалы по этнографии. - Л., 1936. - Т.1V.

⁹ Лимеров П.Ф. Мифология загробного мира. Сыктывкар, 1996.-С. 34.

¹⁰ Ермина. В.Ю. Ритуал и фольклор. - Л., 1991. -С.30.

шамонлари мифологик ҳомийлари бўлган руҳлар тасвирида уларнинг юзларидан нур ёғилиб туриши алоҳида қайд этилади. Арвоҳлар эса, оппоқ кийинган, аммо норози қиёфада, баъзан кийимларига қон сачраган ҳолатда намоён бўладилар. Арвоҳларнинг жинси аниқ бўлади.

Халқ қарашларига кўра арвоҳ ва руҳ ўртасидаги муштараклик уларнинг ҳар иккисини авлодлари томонидан чорланганда мадад бериши, шамонийлик эътиқодида шамоннинг ҳомийлари сифатида тасаввур қилиниши билан белгиланади.

Хуллас, руҳ ва арвоҳлар туркий халқлар мифологиясида ғайб олами вакиллари саналади. Ғайб олами, мифологик тасаввурлар ҳосиласи сифатида поэтик тафаккуримизда инкишоф этилган ҳаёлий уйдирма макондир. Руҳлар ва арвоҳларнинг мавжудлиги билан боғлиқ тасаввурлар инсон ҳаёти интиҳоси, яъни ўлим юз бериши ва яқинларнинг айрилиқ билан боғлиқ кечинмалари натижасида майдонга келган. Маълумки, кечинмаларнинг таъсирида бадиий фикрлаш, поэтик мотив ва сюжетлар, турли ғаройиб образлар шаклланиши бадиий воқеликнинг майдонга келтирувчи асосий воситалардан биридир. Инсон ўлимининг юз бериши, уни тирклар орасидан кетиши натижасидаги кечинмалар халқ оғзаки ижодида йиғи-йўқловларни, турли мифологик ва демонологик характердаги оғзаки ҳикояларнинг пайдо бўлишига асос бўлган. Айни мана шу фольклор айтимлари мазмунида ўзга олам, руҳ ва арвоҳ билан боғлиқ мифологик тасаввурлар ўз ифодасини топган.